

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ**

**ТАЖЕНОВА ГУЛБАХАР ЕСБОСЫНОВНА**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ**  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

УДК: 336.77:338.43(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economic sciences**

**Таженова Гулбахар Есбосиновна**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш  
амалиётини такомиллаштириш .....3

**Таженова Гулбахар Есбосиновна**

Совершенствование практике финансирования экспорта  
сельскохозяйственной продукции.....25

**Tajenov Gulbakhar Yesbosinovna**

Improving agricultural export financing practices .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ**

**ТАЖЕНОВА ГУЛБАХОР ЕСБОСЫНОВНА**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ**  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt665 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Исаков Жанабай Якыпбаевич  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:** Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор  
Хайдаров Низамиддин Ҳамраевич  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» 12 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (164 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «11» 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил «11» 12 даги 57- рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Халқаро савдо ташкилотининг расмий маълумотига кўра, коронавирус пандемияси туфайли дунё бўйича халқаро савдо айланмасининг пасайиши кузатилаётган бўлса-да, “2020 йилнинг биринчи ярим йили якунида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажми 2,5 фоизга ўсди. Бу эса, аввало, аграр соҳани давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги билан изоҳланади. Биргина 2020 йилда АҚШда фермерларга қўшимча 19 млрд. доллар миқдорида субсидия берилади”<sup>1</sup>. “Россияда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижий бозорларда сотилишига кўмаклашиш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағлар миқдори 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 52,4 фоизга ошди”<sup>2</sup>. Бу эса, давлат томонидан аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири эканлигидан далолат беради.

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти кредитлаш тизимини ривожлантиришга оид кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотларда экспортни молиялаштириш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти молиялаштиришда ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, солиқ сиёсатининг аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини рағбатлантиришдаги ролини оширишга асосий эътибор қаратилган. Бироқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда тижорат банклари кафолатларидан кенг фойдаланиш, мазкур экспортни субсидиялаш ва суғурталаш амалиётларининг такомиллаштириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчилар учун очилаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг 90 фоиздан ортиқ қисмини ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти суғурталаш амалиётида ўзаро суғурталаш инструментининг мавжуд эмаслиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уни кредитлаш ва суғурталашни такомиллаштириш бугунги кунинг долзарб вазифалари эканлигидан далолат беради. Мазкур вазифалар бажарилишининг таъминлашда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти молиялаштириш амалиётининг такомиллаштириш танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>1</sup>www.vto.org (Жаҳон савдо ташкилоти)

<sup>2</sup>Экономика России в 2019 году . – Москва: ИЭП, 2020. – С. 249.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Мокров, Д.Терновский, В.Ахрамович, Р.Янбых, Г.Гришин, О.Тагиров, С.Короткова, Ю.Ткач, Е.Шкарупа, П.Переходов, Ж.Скот, У.Динкелберг, У.Денис, В.Бондаренко, Д.Шишкина ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, Э.Шодмонов, И.Алимардонов, Д.Муродова, З. Бердиназаров, Ф.Ахмедов ва бошқаларнинг илмий ишларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

---

<sup>3</sup>Мокров Г.Г. Евразийский экономический союз: инструменты защиты внутреннего рынка от недобросовестной конкуренции. – М.: Проспект, 2018. – 320 с.; Терновский Д.С. Экспорт о ориентированная модель сельского хозяйства: плюсы и минусы//Мониторинг экономической ситуации в России. – Москва, 2020. – №24. – С. 8-12.; Ахрамович В.С. Механизмы адаптации внешнеторговой политики в аграрной сфере отдельных стран и сообществ к условиям ВТО // Экономический бюллетень Национального исследовательского института Министерства экономики Республики Беларусь. – Минск, 2015. – №5. – С. 15-25.; Янбых Р.Г. Современные тренды агропродовольственной торговли и ее перспективы в Евразийского экономического союза//Экономика сельского хозяйства России. – Москва, 2011. – №1. – С. 86-91.; Зарук Н.Ф., Гришин Г.Е., Тагиров О.А. Бюджетное финансирование сельского хозяйства в новых экономических условиях//Нива Поволжья, 2013. – №4. – С. 112-119.; 3. Короткова С. Н., Ткач Ю. Б. Кредитование как одно из направлений финансирования сельского хозяйства в условиях членства в ВТО и санкций//Материалы международной научно-практической конференции «Аюшиевские чтения. Финансово-кредитная система: опыт, проблемы, инновации» и др. – Иркутск: НИЦ «Апробация»,2016. - С. 124–130.; Шкарупа Е. А., Переходов П. П. Кредитование сельского хозяйства: особенности, проблемы, тенденции развития // Региональная экономика: теория и практика. - 2015. — № 44. — С. 52–56.; Scott J.A., Dinkelberg W.C., Dennis W.J. Credit, Banks and Small Business – the New Century – Washington: NFIB Research Foundation, 2003. – 96 p.; Бондаренко В.С., Шишкина Д.А. Необходимость и направлении государственной финансовой поддержки сельхозпредприятий российского АПК//Вестник СГСЭУ. – Саратов, 2018. –№ 5. – С. 131-135.

<sup>4</sup> Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. –Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005.–588 б.; Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Иқт. ф.н. илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент:

Аммо, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертация тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалининг №ИТИ-1 “Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш манбаларини қиёсий таҳлил қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш жараёнида иштирок этувчи тижорат банклари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик усуллар, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

---

БМА, 2005. – 22 б.; Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 61 б. 29.; Муродова Д.Ч. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. – Тошкент, 2019. – Б. 92-93.; Бердиназаров З.У. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 74 б.; Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатишини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. дисс. автореф. – 48 б.

тижорат банклари томонидан қишлоқ маҳсулотлари экспорти бўйича очиладиган хужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмини ошириш йўли билан молиялаштириш кўламини кенгайтириш асосланган;

кредитларнинг фоизини давлат томонидан субсидиялаш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиёти такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини кредитлаш имкониятини банкларни жорий ликвидлилигини ошириш орқали кенгайтириш асосланган;

хорижий банклардан жалб қилинадиган ва қатъий белгиланган ставкага эга бўлган халқаро кредитлар ҳажмини ошириш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш қамровини кенгайтириш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларнинг амалий аҳамияти асосланган;

мамлакат тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш мақсадида бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини 50 фоизини давлат томонидан субсидиялаш тартибини жорий қилишнинг зарурлиги асосланган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини суғурталашни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражаси аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларни илмий-назарий қарашлар тадқиқига асосланганлиги, уларни илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига, расмий статистик ва амалий маълумотларнинг таҳлилларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар аграр соҳа субъектларининг халқаро савдо операцияларини ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банклари томонидан қишлоқ маҳсулотлари экспорти бўйича очиладиган хужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмини ошириш йўли билан молиялаштириш кўламини кенгайтириш таклифи Қорақалпоғистон

Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 5-сон буйруғида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 03/010-737-сон маълумотномаси). Таклифни қўллаш натижасида Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи субъектларнинг экспорти бўйича банклар томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар суммаси 11,4 фоизга ошиши таъминланган;

кредитларнинг фоизини давлат томонидан субсидиялаш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 5-сон буйруғида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 03/010-737-сон маълумотномаси). Таклифни қўллаш натижасида узум, қовун ва тарвузларнинг экспорти ҳажмини 56,3 фоизга ошиши таъминланган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини кредитлаш имкониятини банкларни жорий ликвидлигини ошириш орқали кенгайтириш таклифи Акциядорлик-тижорат “Агробанк”нинг кредит сиёсатида ўз аксини топган (АТ “Агробанк”нинг 2020 йил 28 апрелдаги 04-24/223-сон маълумотномаси). Таклифни қўллаш натижасида муддати ўтган кредитлар ва эҳтимолий йўқотишлар захирасининг меъёрий даражасини таъминлаш орқали Агробанкда жорий ликвидлилик коэффицентининг 0,36 пунктга ошишига эришилган;

хорижий банклардан жалб қилинадиган ва қатъий белгиланган ставкага эга бўлган халқаро кредитлар ҳажмини ошириш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш қамровини кенгайтириш таклифи Акциядорлик-тижорат “Агробанк”нинг кредит сиёсатида ўз аксини топган (АТ “Агробанк”нинг 2020 йил 28 апрелдаги 04-24/223-сон маълумотномаси). Таклифни қўллаш натижасида хорижий банклардан жалб қилинган узоқ муддатли кредитлар миқдорининг банк мажбуриятларининг умумий ҳажмидаги улуши 1,1 фоизга ошиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 129 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштиришнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси”** деб номланган ва унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштиришнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси тадқиқ қилинган.

В.Ахрамович ва Р.Янбыхларнинг хулосасига кўра, “сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик товарлари билан амалга оширилаётган халқаро савдонинг умумий ҳажмини юқори суръатларда ўсиши минтақавий ҳамжамиятлар доирасида кузатилмоқда ва 70 фоизга яқинни ташкил қилмоқда. Шу сабабли, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари халқаро савдосини молиялаштиришда асосий эътиборни минтақавий ҳамжамиятлар доирасида амалга ошириладиган халқаро савдони молиялаштиришга қаратиш лозим”, деб ҳисоблашади<sup>5</sup>.

Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикаси учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, республикамиз Евро осие иқтисодий иттифоқига кузатувчи мақомида кирган бўлиб, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Н.Зарук, Г.Гришин ва О.Тагировлар “қишлоқ хўжалигини молиялаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш натижасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг ажралмас таркибий қисмидир, деган хулосага келишган”<sup>6</sup>. Уларнинг ушбу хулосаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бир гуруҳ хорижлик иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, “қишлоқ хўжалиги экспортини кредитлаш самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шарти бўлиб, тижорат банклари томонидан экспортни молиялаштириш мақсадида берилган кредитларнинг фоизини бир қисмини давлат томонидан қоплаб берилиши (бонификация) ҳисобланади”<sup>7</sup>.

<sup>5</sup>Ахрамович В.С. Механизмы адаптации внешнеторговой политики в аграрной сфере отдельных стран и сообществ к условиям ВТО//Экономический бюллетень Национального исследовательского института Министерства экономики Республики Беларусь. – Минск, 2015. – №5. – С. 15-25.; Янбых Р.Г. Современные тренды агропродовольственной торговли и ее перспективы вЕвразийского экономического союза//Экономика сельского хозяйства России. – Москва, 2011. – №1. – С. 86-91.

<sup>6</sup>Зарук Н.Ф., Гришин Г.Е., Тагиров О.А. Бюджетное финансирование сельского хозяйства в новых экономических условиях//Нива Поволжья, 2013. – №4. – С. 112-119.

<sup>7</sup>Короткова С. Н., Ткач Ю. Б. Кредитование как одно из направлений финансирования сельского хозяйства в условиях членства в ВТО и санкций//Материалы международной научно-практической конференции

Мазкур хулоса тараққий этган мамлакатлар амалиёти учун ҳам, ривожланаётган мамлакатлар амалиёти учун ҳам амалий аҳамият касб этади. Чунки, “фермерларга ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар, шу жумладан, экспорт кредитларининг фоизини бир қисми давлат томонидан бонификация қилинади. Жумладан, ушбу бонификациялаш амалиёти Россия Федерациясида 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилди”<sup>8</sup>.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш давлат томонидан қишлоқ хўжалиги тартибга солишнинг муҳим инструментларидан бири ҳисобланади ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг экспорт фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Д.Кириченконинг фикрига кўра, “тараққий этган мамлакатларда солиққа тортишнинг асосий мақсади бўлиб, аграр секторни ривожлантириш учун зарур бўлган нисбатан қулай муҳит яратиш ҳисобланади, чунки, ушбу сектор иқтисодийнинг заиф тармоғи сифатида қаралади”<sup>9</sup>.

Шунингдек, тараққий этган мамлакатларда солиқ имтиёзлари қишлоқ хўжалигидаги илмий-техника тараққиётини тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Масалан, “АҚШда фермерларнинг ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларига инвестиция қилинган фойдасининг 25 фоизигача бўлган қисми солиқдан озод қилинади, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса, фермерларнинг солиқ тўловларининг бир қисми давлат бюджетидан қоплаб берилди”<sup>10</sup>.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва корхоналари фаолияти мавсумий мазмунга эга бўлганлиги сабабли уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш имконияти чекланган бўлади. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштириш заруриятини юзага келтиради.

А.Уахитжанованинг илмий тадқиқотлари натижалари кўрсатадики, “қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштиришда Европа Иттифоқи, АҚШ ва Норвегияда давлат томонидан қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри бериладиган субсидиялар ҳажми муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари кесимида қарайдиган бўлсак, Канада, АҚШ ва Европа Иттифоқида субсидияларнинг катта қисми ўсимликчиликка, Норвегия ва Швейцарияда эса чорвачиликка берилди”<sup>11</sup>.

---

«Аюшиевские чтения. Финансово-кредитная система: опыт, проблемы, инновации» и др. – Иркутск: НИЦ «Апробация», 2016. — С. 124–130.; Шкарупа Е. А., Переходов П. П. Кредитование сельского хозяйства: особенности, проблемы, тенденции развития//Региональная экономика: теория и практика. — 2015. — № 44. — С. 52–56.; Scott J.A., Dinkelberg W.C., Dennis W.J. Credit, Banks and Small Business – the New Century – Washington: NFI Research Foundation, 2003. – 96 p.

<sup>8</sup>Бондаренко В.С., Шишкина Д.А. Необходимость и направления государственной финансовой поддержки сельхозпредприятий российского АПК//Вестник СГСЭУ. – Саратов, 2018. –№ 5. – С. 131-135.

<sup>9</sup>Кириченко Д. А. Исследование вопросов современного состояния налогового учета расходов сельскохозяйственных организаций // Аудит и финансовый анализ. – 2012.– №2. – С. 92-96.

<sup>10</sup>Зарубежный опыт государственной поддержки производства зерновых культур//Научная электронная библиотека "Киберленинка". URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/zarubezhnyy-opyt-gosudarstvennoy-podderzhki-proizvodstva-zernovykh-kultur> (дата обращения: 25.09.2018).

<sup>11</sup>Уахитжанова А.М. Финансирование сельского хозяйства Республики Казахстан: механизм и пути совершенствования. Дисс. на соиск. уч. ст. д.ф. – Нур-Султан, 2019. – С. 35.

Тараққий этган мамлакатларда ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича катта ва бой тажриба тўпланган. Ушбу тажрибани ўрганиш ва ундан Ўзбекистон Республикаси амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш муҳим амалий аҳамият касб этади.

1862 йилда ташкил этилган АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги давлат аграр сиёсатини амалга оширувчи асосий институт ҳисобланади.

Ҳозирги даврда АҚШ аграр сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш ҳисобланади.

АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш учун жавобгар ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ижросини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги назорат қилади.

### 1-жадвал

#### Тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари<sup>12</sup>

№	Инструментлар	Мамлакатлар
1	Солиқ имтиёзлари	Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ
2	Савдо ва кредитли молиялаштириш	Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ, Япония, Жанубий Корея
3	Суғурталаш	АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Германия
4	Экспортни тўғридан-тўғри субсидиялаш	АҚШ, Япония, Германия
5	Экспорт кредитларининг фоизларини субсидиялаш	Германия, Италия, Нидерландия, Буюк Британия, Япония
6	Импорт компонентларидан экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда солиқ чегирмалари бериш	Германия, АҚШ, Жанубий Корея

Тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини давлат томонидан молиявий рағбатлантиришда бир қатор молиявий инструментлардан фойдаланилмоқда.

Тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш тизимида тижорат банкларининг экспорт кредитлари муҳим ўрин тутади.

“АҚШда фермер хўжаликларига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасининг бир қисми бонфикация қилинади, яъни давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилади”<sup>13</sup>. Бунинг устига, биринчидан, “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига молиявий хизмат кўрсатадиган банкларга

<sup>12</sup>Жадвал муаллиф томонидан [www.fso.org](http://www.fso.org) сайти (БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) маълумотлари асосида тузилган.

<sup>13</sup>Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. сангл. – М.АльпинаПаблишер., 2017. – С. 596-597.

уларнинг ерлари ва қўзғалмас мулкларини гаровга олиш йўли билан 5 йилдан 40 йилгача муддатга кредит бериш ҳуқуқи берилган; иккинчидан, мазкур банклар облигациялар чиқариш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига бериладиган кредитларнинг ресурс манбаини шакллантирадilar. Банкларнинг облигацияларидан олинадиган даромадлар солиққа тортилмайди”<sup>14</sup>.

Биз қуйида Нидерландиянинг қишлоқ хўжалигига молиявий хизматлар кўрсатадиган асосий банки бўлган Рабобанкнинг экспортни кредитлаш амалиётини таҳлил қиламиз.

## 2-жадвал

### Рабобанкнинг (Нидерландия) қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ хўжалиги экспортни кредитлаш амалиётини тавсифловчи кўрсаткичлар<sup>15</sup>

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Кредитлар – жами, млрд евро	432,6	454,5	469,8
Шу жумладан: – қишлоқ хўжалигига берилган кредитлар, млрд. Евро	97,8	103,1	107,2
Қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи, %	22,6	22,7	22,8
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортига берилган кредитларнинг қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	5,7	6,4	7,1

2017-2019 йилларда Рабобанк томонидан берилган кредитлар миқдори ва қишлоқ хўжалигига берилган кредитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2017-2019 йилларда Қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи юқори ва барқарор даражада қолган. Бу эса, қишлоқ хўжалигини кредитлашни ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. 2017-2019 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортига берилган кредитларнинг қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

АҚШда ва Ғарбий Европада божхона божлари ва компенсация тўловлари ўрнатиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва озиқ-овқат ички бозорини ҳимоя қилиш механизми яратилган. Бу чоралар баланд ички баҳолар билан паст жаҳон баҳолари ўртасидаги фарқни текислашга ва қишлоқ хўжалигининг даромадлигини оширишга қаратилган. Импорт тарифлари миқдорлари анча юқори. ЕИ мамлакатларида улар мол гўштига - 213 фоизни, буғдойга - 168 фоизни ташкил этади. АҚШда шакар олиб киришга тариф - 224 фоиз, сутга - 83 фоиз қилиб ўрнатилган. Россияда йирик шохли қорамол гўшти олиб киришга - 15 фоиз, парранда гўштига - 25 фоиз, сутга - 15 фоиз, буғдойга -5 фоиз, шакарга - 25 фоиз қилиб ўрнатилган.

<sup>14</sup> Scott J.A., Dinkelberg W.C., Dennis W.J. Credit, Banks and Small Business – the New Century – Washington: NFIB Research Foundation, 2003. – 96 p.

<sup>15</sup>Жадвал [www.rabobank.com](http://www.rabobank.com) (Sustainability facts and figures) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётининг замонавий ҳолати” дея номланган бўлиб, унда республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган мавжуд тенденциялар аниқланган.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озик-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 августдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчиларнинг маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича харажатлари “Ўзстандарт” агентлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаш; Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан миллий валютада, қиймати 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида жалб қилинадиган кредитлар бўйича - 5 фоизли пункт миқдорда; хорижий валютада, қиймати эквивалентда 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда жалб қилинадиган кредитлар бўйича - тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 4 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тартиби жорий қилинди”<sup>16</sup>.

Шуниси характерлики, республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётининг муҳим меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилган халқаро ҳисоб-китобларнинг молиявий шартлари ва умумлаштирилган қоидалар ҳисобланади.

“2019 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 42,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса, 2018 йилга нисбатан 8,7 млрд. АҚШ долларига ёки 26,2 % га кўп демакдир. Мамлакат ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 17,9 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 128,0 %) ва импорт ҳажми 24,3 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 124,9 %) етди. Ҳисобот даврида 6,4 млрд. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди”<sup>17</sup>.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорти мамлакат экспортининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

---

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озик-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2019 й., 07/19/4406/3496-сон.

<sup>17</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси).



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида экспорт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг ҳажми, млрд. АҚШ доллари<sup>18</sup>**

2017-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси экспортининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг ҳажми беқарор бўлган. 2018 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг ҳажми 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

**3-жадвал**

**АТ “Агробанк” кредит портфелининг тармоқ таркиби<sup>19</sup>**

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Саноат	26,55	28,05	20,75	7,66	22,15
Қишлоқ хўжалиги	42,26	39,14	48,53	33,47	36,18
Транспорт ва коммуникация	0,59	1,99	1,18	0,36	0,66
Қурилиш	1,26	1,23	5,72	0,32	1,30
Савдо ва ижтимоий хизматлар	1,98	1,36	0,65	0,97	1,18
Моддий-техника таъминоти	4,92	3,46	0,80	20,63	8,84
Уй-жой-коммунал хизматлар	0,0	0,0	0,0	0,53	1,19
Бошқа секторлар	22,44	24,77	22,37	36,06	28,50
Кредитлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётида асосий ўринни тижорат банкларининг кредитлари эгаллайди.

Республикада қишлоқ хўжалиги соҳасига молиявий хизматларни, асосан, Акциядорлик-тижорат “Агробанк” ва Ўзагроэкспортбанк кўрсатади.


2015-2019 йилларда Агробанкнинг кредит портфелида салмоғига кўра биринчи ўринни қишлоқ хўжалигига берилган кредитлар эгаллайди. Бу эса, Агробанкни қишлоқ хўжалигини кредитлашга ихтисослашган банк эканлиги билан изоҳланади.

<sup>18</sup> Расм муаллиф томонидан АТ “Агробанк”нинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

<sup>19</sup> Жадвал муаллиф томонидан АТ “Агробанк”нинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг Агробанк кредит портфелидаги салмоғи 2019 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, мазкур даврда моддий-техника таъминоти ва бошқа секторларга берилган кредитларнинг Агробанк кредит портфелидаги салмоғини ошганлиги билан изоҳланади.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш мақсадига берилган кредитларнинг даражасига баҳо берамиз (2-расм).



**2-расм. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш учун берилган кредитларнинг Агробанк кредит портфелидаги улуши<sup>20</sup>, фоизда**

2015-2019 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш мақсадида берилган кредитлар Агробанкнинг кредит портфелида жуда кичик салмоқни эгаллаган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 2015 йилга нисбатан пасайган. Ушбу ҳолатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш мақсадига бериладиган кредитлар ҳажмини ошириш бевосита Агробанк томонидан миллий ва хорижий валюталарда бериладиган кредитларнинг фоиз ставкалари даражаларига боғлиқ. Бунинг сабаби шундаки, фермер хўжалиklarини ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитларни қайтара олиш имконияти кредитларнинг фоиз ставкаси билан уларнинг рентабеллик даражаси ўртасидаги фарққа боғлиқ.

<sup>20</sup>Расм муаллиф томонидан АТ “Агробанк”нинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

**АТ “Агробанк”нинг юридик шахсларга миллий валютада ва АҚШ долларарида берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкалари<sup>21</sup>,  
фоизда**

Кредитлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	13,5	14,3	16,2	17,7	23,0
АҚШ доллараридаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	7,6	8,1	8,7	9,1	12,5


2015-2019 йилларда Агробанк томонидан юридик шахсларга миллий валютада ва АҚШ долларарида берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

сўнги йилларда инфляция даражаси ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори бўлганлиги;

Агробанк томонидан хорижий кредит линиялари орқали жалб қилинган кредитларга нисбатан юқори спрэд ўрнатилаётганлиги.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва корхоналарининг фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш имконини беради. Бироқ, бунинг учун, биринчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва корхоналари тўловга лаёқатли бўлишлари керак; иккинчидан, тижорат банклари етарли даражада узоқ муддатли ресурс базасига эга бўлиши керак; учинчидан, банклар етарли даражада ликвидли бўлиши зарур.

Шу сабабли, АТ “Агробанк” инвестицион кредитлар беришда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан ва хорижий кредит линияларидан фойдаланмоқда.



**3-расм. АТ “Агробанк” томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва уларга берилган кафолатлар<sup>22</sup>, млрд. сўм**

<sup>21</sup>Жадвал муаллиф томонидан АТ “Агробанк”нинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

<sup>22</sup>[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz).

Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштиришда экспорт бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан ва экспортёрларнинг импорт тўловлари бўйича очилган аккредитивлардан кенг фойдаланилмоқда.

Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар суммаси 2015-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳужжатлаштирилган аккредитивлар миқдори 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада камайгани ҳолда, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан кескин ошган. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига берилган кафолатлар суммаси 2015-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.


Мазкур кафолатлар суммаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада камайгани ҳолда, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан кескин ошган. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ҳозирги даврда Агробанк томонидан ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг икки туридан кенг фойдаланилмоқда:

таъминланган аккредитивлар;

стэнд-бай аккредитивлари.

Таъминланган аккредитивларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчиларга тегишли валюта маблағларининг бир қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади. Чунки, ушбу аккредитивларда валюта маблағлари алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади.



**4-расм. АТ “Агробанк” томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг баланسدан ташқари операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи<sup>23</sup>, фоизда**

2015-2017 йилларда Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг


<sup>23</sup>www.agrobank.uz.

банкнинг баланسدан ташқари операцияларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 2015-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг банкнинг баланسدан ташқари операцияларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 2018 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайгани ҳолда, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан юқори даражада ошган. Аммо, шунга қарамасдан, Агробанк томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг банкнинг баланسدан ташқари операцияларининг умумий ҳажмидаги салмоғи таҳлил қилинган давр мобайнида паст даражада қолган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қафолати асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчиларни молиялаштириш мақсадида халқаро кредитларни жалб қилиш қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг муҳим шакли бўлиб, давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигига субсидиялар ажратиш ҳисобланади (5-расм).



**5-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига ажратилган субсидиялар миқдори<sup>24</sup>, млрд. сўм**

2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортчиларига берилган субсидиялар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, берилган субсидиялар миқдори 2018 йилда 2014 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатига эга бўлган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомил-

<sup>24</sup>Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

**лаштириш йўллари”** дея номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар, амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

